

ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ МУАММО ЖАНРИДАГИ ШЕЪРЛАРИ

Ғафур Ғулом замонавий ўзбек назми ва насрининг ривожига ўзига хос ҳисса қўшган адиб сифатида адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутди. Шу билан бирга адиб мумтоз адабиётнинг бир қатор жанрларида ҳам қалам тебратган. Жумладан, ижодкорнинг ғазал ва мухаммаслари кўпчиликка яхши маълум. Ғафур Ғулом архивидаги араб ёзувидаги қўлёзмаларни тавсифлаш жараёнида унинг муаммо жанрида ёзган шеърларига дуч келдик. Шеърлар шоир архиви 31 йўзма жилддаги 23 тартиб рақамли ҳужжатда учрайди.

Муаммолар ўзбек ва тожик тилларида. Жами 9 та. Улардан биттаси кимнинг номига ёзилганлиги кўрсатилмаган. Номлари кўрсатилган муаммолар куйидагилар: “Бокий”, “Чустий”, “Ҳабибий”, “Сайфий”, “Собир”, “Туроб”, “Ошқабок” ва “Рошидон”. Муаммоларнинг ечими берилмаган. Матн 20х30 см ўлчамдаги икки букланиб, тўрт бет кўринишига келтирилган бир варақ сарғиш қоғознинг олди ва орқа томонига яшил рангли туш билан ислоҳ қилинган араб алифбосида ёзилган. Биринчи бет бўш қолган. Шеърлар иккинчи-тўртинчи бетларга жойлашган. Иккинчи бетнинг қуйи қисми ўнг бурчагида номаълум киши томонидан қора қалам билан “1946-1947 йилларда ёзилган бўлиши мумкин. Бу гап устида Чустий бўлган кўринади” деган қайд кирилл алифбосида битилган.

Ғафур Ғуломнинг муаммо жанридаги шеърлари жанр қонун-қоидаларига мос келади. Муаммо жанри қоидаларига кўра, энг аввало, шеър муаммо жанрида эканлигини билдириш учун яширилган исмни кўрсатиш шарт ҳисобланади. Шу шартлиликка асосан, Ғафур Ғулом ҳар бир муаммо шеърда қандай исми яширилганлигини қайд қилиб борган. Юқорида зикр қилганимиздек, биргина муаммо кимнинг номига ёзилганлиги билдирилмаган. Бунга сабаб шеър муаммо жанридан яхши хабардор кишига атаб ёзиб юборилиб, ўша кишининг исмни кўрсатилмаган муаммодан исмни топа олишини синовдан ўтказиш учун қилинган бўлиши мумкин. Шеърда исм кўрсатилмаса ҳам, учинчи мисрада “Исмингизни топиб олинг ҳазрат” деган ишора бор. Бундан ўша шеър муаммо жанрида ёзилганлиги ва ундан олувчи шахснинг номи чиқиши ойдинлашади. Шу боис бу шеърни ҳам муаммо жанри талабига мувофиқ келади деб ҳисоблай оламиз.

Ғафур Ғулом муаммоларида ҳам бошқа ижодкорлар асарларида бўлгани сингари шахс номи яширилган. Унинг “Ошқабок” номига муаммо ёзганлиги жанр аъёнчаларига ижодий ёндашганлигини кўрсатади.

Шоир шунингдек, муаммоларда мазмун ва жанрига хос имо-ишора сўзларнинг қўлланиши бир-бирига мос келишига ҳам аҳамият бериб, шакл ва мазмун уйғунлигига эришишга ҳаракат қилган.

Куйида баъзи муаммоларнинг ечимини кўрсатамиз. “Ҳабибий” исмига ёзилган муаммо:

Агар сўроғи зи дўст мижўйи,
Дўсти ман буд баному лақаб.

Мазмуни:

Агар дўстимни сўрасанг,
Дўстимнинг оти билан лақаби бир хил эди.

Исм иккинчи мисрадаги “Дўст” сўзининг ёрдами билан топилади. Бу сўзнинг яширилган исмни топилишига восита эканлигига биринчи мисрада “Агар сўроғи зи дўст мижўйи” дейиш орқали билдирилган. Иккинчи мисрада “Дўсти ман буд баному лақаб” дейилган. Бундан яширилган исмни топиш учун “Дўст” сўзининг муродифи-маънодошини олиш кераклиги билинади. “Дўст” сўзининг яширилган исмни топишга яқин бўлган маънодоши “Ҳабиб”дир. Яна ўша мисрага эътибор берилса, “Дўст”, яъни “Ҳабиб” сўзи муаммода исми яширилган кишининг ҳам исми, ҳам лақабилиги зикр қилинган. Нозим бу ерда лақаб деганда таҳаллусни назарда тутган. Ушбу ишонарадан “Ҳабиб” сўзига “йи” ҳарфини қўшиш зарарлиги англашилади ва “Ҳабибий” номи чиқади.

“Собир” номига ёзилган муаммо:

Онки бошад батаъбхо марғуб,
Номи у ҳаст назди мо Аюб.

Мазмуни:

Барчанинг таъбига ёқимли бўлган ўша кишининг
Оти бизнинг назаримизда Аюб бўлса керак.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун муаллиф талмех амалини қўллаган. Талмех қоида-сига кўра, ўтмишдаги машҳур шахслар, воқеалар ва ҳодисалар эсга олинади. Бу муаммода Аюб пайғамбарнинг оти эсга олинмоқда. Аюб пайғамбар ҳақидаги ривоятларга кўра, у Тангри томонидан юборилган синовларга сабрли бўлганлиги учун “собир” – “сабрли” деган номни олган. Шу боис Аюб номи айтилганда унга берилган “Собир” номи ҳам эсланади. Ғафур Ғулом муаммода Аюб алайҳиссаломнинг ана шу отига ишора қилган. Шу йўсинда муаммода яширилган исм чиқади.

“Туроб” номига ёзилган муаммо:

Чор унсур черо ту чок кўни,
Об агар нист, қасди хок кўни.

Мазмуни:

Нима учун тўртта унсури бир-биридан ажратасан,
Агар сув бўлмаса, тупроққа томон интиласан.

Муаммонинг ечими тародиф амали ёрдамида ҳал қилинади. Нозим муаммода тўрт унсур-сув, ҳаво, тупроқ ва олов ҳақида сўз юритган. Ўз навбатида ўша тўрт унсурдан бири – сув йўқ бўлса, тупроқни излайсан демоқда. Бу билан исми топиш учун “хок” сўзига этибор қаратиш лозимлигини билдирган. “Хок” сўзининг маънодоши “Туроб”дар. “Туроб” сўзини олиш билан муаммода яширилган исм топилади.

“Ошқабок” номига ёзилган муаммо:

Лаблари бир нима демакчи бўлур,
Қошу кўз ўртаси емакчи бўлур.

Қаро қошига шайдомен,

Қарошидан юз айлонсун.

Бу муаммода олдин исмининг биринчи бўлагини чиқариш учун иккинчи мисрадаги “Қошу кўз ўртаси емакчи бўлур” ишораларига этибор қаратиш керак. Ишорага кўра, исмининг биринчи бўлаги “қош” ва “кўз” сўзларининг ўртасига яширилган. Бу ўринда шоир қош ва кўз сўзларининг биринчи ҳарфларини назарда тутган. Ана шу нуқтаи назардан мазкур икки сўзга этибор берилса, уларнинг ўртасида алиф ва шин ҳарфий бирикмалари борлиги билинади. Шундай қилиб, “қош” ва “кўз” сўзларининг ўртасидаги алиф ва шин ҳарфларидан яширилган исмининг биринчи бўлаги “ош” олинади. Исмнинг қолган бўлаги учинчи ва тўртинчи мисралардаги ишорага биноан топилади. Бу мисраларда “қош”, шунингдек, “кўз”нинг маъносида келган “қарош” сўзлари ишлатилган. Ушбу ўринда ҳам юқоридаги каби ҳолат мавжуд. Унга кўра, “қош” ва “кўз”нинг ўртаси “қабок” бўлиши маълум. Ишорага асосан, “қабок” сўзи олиниб, олдин ҳосил қилинган “ош” сўзига уланса, “Ошқабок” чиқади. (Исмнинг иккинчи бўлагини бошқа бир йўл билан ҳам топиш мумкин. Яъни, муаммо қоидада баъзида бир ишорага икки марта мурожаат қилинади. Шу қоида бўйича, “Қошу кўз ўртаси емакчи бўлур” ишораси асосида “қошу кўз” ўртасида “қабок” борлигини биламиз. Шоир бу тарзда исм бўлагини икки йўл билан чиқаришга ишора топа олганлиги, унинг муаммо жанри соҳасидаги бадий маҳоратини белгилайди).

“Рошидон” номига ёзилган муаммо:

Қарошидан на ялғуз мен, қаламравлар берур бошин,

Шулардек бенаво ошиқ қарошидан юз айлансун.

Одатда муаммо шеърларда яширилган исми чиқариш учун восита бўладиган сўз олдин бирор ўринда ишлатилиб, ўша исми чиқаришга восита бўлиши билдирилади. Ушбу муаммода ҳам “Рошидон” номини топиш учун “Қарошидан” сўзи восита бўлиши биринчи мисрадаги ишоралар орқали билдирилган. Иккинчи мисрада эса, ўша сўздан қандай қилиб исм чиқарилиши айтилган. Яъни, “қарошидан юз айлансун” дейилган. Бу ишора “Қарошидан” сўзининг “юз”и бўлган “қоф” ҳарфини исқот амалига кўра тушириб қолдириш кераклиги тушунилади (“Қоф” ҳарфи шунингдек, муаммонинг ҳисоб қоидада бўйича юзни билдиради. “Юз айлансун” деган ишора асосида ҳам “қоф” ҳарфини тушириб қолдиришни англаш мумкин). Қолган ҳарфлар “Рошидан” бўлади. Шеър ислоҳ қилинган араб алифбосида ёзилганлиги сабабли қисқа “а” товуши ёзувда “ҳойи ҳавваз” ҳарфи билан ифодаланган. Баъзида қисқа “а” товуши “алиф” ҳарфи билан ҳам ифодаланган ҳоллар учрайди. Бу ерда имлонинг шу жиҳати этиборга олинган. Шунга кўра “ҳойи ҳавваз” ҳарфининг ўрнига “алиф”ни қўйсақ, “Рошидон” бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ғафур Ғулом мумтоз адабиётнинг муаммо жанри қонун-қоидаларини яхши билган. У билан ижодий ҳамкорлик қилган қаламкашлар ўртасида мумтоз адабиётдаги жанрлар, уларнинг хусусияти, адабий жараёнлардаги ўрни борасида суҳбатлашиб турган ва ёзишмалар олиб борган. Шунингдек, адиб ўзи билан ҳамкорлик қилган кўплаб шоирларга ўзининг турли жанрлардаги шеърларини мактуб орқали йўллаган ҳолатлар ҳам бўлган. Бизнингча, у билан ҳамкорлик қилган шоирлар архивида Ғафур Ғулом қаламига мансуб муаммо жанридаги шеърларнинг бизга маълум бўлмаганларининг мавжудлиги эҳтимолдан холи эмас.

Ҳасанова Зарина
ТДИУ ўқитувчиси

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғафур Ғулом уй-музейи. Ғафур Ғуломнинг араб ёзувидаги қўлёзмалар архиви 31 йиғма жилд 23 тартиб рақамли ҳужжат.
2. Али Яздий. Ҳалали мутарраз дар фани муаммо ва луғаз. ЎЗР ФА ШИ фонди. 2987/І рақамли қўлёзма.
3. Абдурахмон Жомий. Рисолаи муаммои манзум. ЎЗР ФА ШИ фонди. 209/IV рақамли қўлёзма.

4. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирманчи том. —Тошкент: Фан. — 393 б.